



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**Кармана тумани 2021 йил 22 декабрь 4-2103-2101/550-сонли иш**

Навбахор туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.З.Хамидов раислигида, Ш.Искандаров котиблигида, даъвогар “IBRAT” фермер хўжалиги манфаатида Навоий вилоят прокуратурасининг жавобгар “KARMANA ASL DON” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан тақдим этган даъво аризасини даъвогар вакили Ш.Нарқулов (раҳбари) иштирокида, жавобгар вакили иштирокисиз, Кармана туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтган очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

**а н и қ л а д и :**

Даъвогар “IBRAT” фермер хўжалиги манфаатида Навоий вилоят прокуратураси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “KARMANA ASL DON” масъулияти чекланган жамиятидан 85.714.366 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар ва Навоий вилоят прокуратураси вакиллари иштирок этмади ҳамда иш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128, 170-моддасига асосан ишни уларнинг иштирокисиз мавжуд ҳужжатларга асосланиб кўришни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабларини қўллаб-қувватлаб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд ишда иштирок этган шахсларнинг важларини муҳокама қилиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, даъвони қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида 2021 йил 20 майда 35-сонли “Ғаллачилик кластери билан фермер хўжалиги ўртасида бошокли дон харид қилиш бўйича фьючерс” шартномаси тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда-ФК деб юритилади)нинг 465-моддасига кўра, контракция шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.



Шартноманинг 1.1-бандига асосан, хўжалик тайёрловчига 2021 йил ҳосилидан жами 15,0 гектар ер майдонидан давлат стандарти бўйича шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулотни топшириш мажбуриятини, тайёрловчи эса хўжаликни ушбу шартномада белгиланган тартибда маҳсулот уруғлиги билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Шартномага мувофиқ, тайёрловчи томонидан хўжаликдан харид қилинадиган бошоқли дон учун якуний ҳисоб-китоблар 31.08.2021 йилга қадар тўлиқ амалга ошириш белгиланган.

Бироқ, жавобгар томонидан етказиб берилган маҳсулотлар учун 85.714.366 сўмлик тўловлар амалга оширилмаган.

Бу ҳолат ишдаги ҳужжатлар, яъни тарафлар ўртасида тузилган шартнома, таққослаш далолатномаси ва юк хатлари билан ўз исботини топган.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шу сабабли суд даъвони қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Шу боис суд, суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 176-179, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

### **қ а р о р   к и л д и:**

Даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар “KARMANA ASL DON” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар “IBRAT” фермер хўжалиги фойдасига 85.714.366 сўм ундирилсин.

Жавобгар “KARMANA ASL DON” масъулияти чекланган жамиятидан Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Навоий вилоят ҳудудий бўлими ҳисоб рақамига 21.600 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар “KARMANA ASL DON” масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетига ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 1.714.287 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради. Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда Навоий вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириш мумкин.

**Судья**

**Ш.З.Хамидов**

